



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLISH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Уракова Шохида Келдияровна**

*ТВХТХҚТМОХМ Педагогика, психология ва таълим  
технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси*

### **УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГНИН КРЕАТИВ ФИКРЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Узлуксиз касбий ривожланишида педагогнинг умрбод ўрганиши фақат таълим бера оладиган кўп узоқ муддатли ҳаракатларнинг фойдали жиҳатларидан янгидан янги мотивациялари уйғонади, шахсий манфаат ва мақсадларга эришади, инсоннинг зерикаши камаяди, ҳаётини янада қизиқарли қилади ва ҳатто келажақдаги имкониятларини очиши мумкин.

Педагогнинг шахсий ва касбий кўникмалари ривожланади. Манашу жараёнда педагоглар янги нарсаларни ўрганиш учун ўзида янги кўникмаларни шакллантиришига ва улардан фойдаланишига тўғри келади.

Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бу педагогларни янги мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдириш ва ходимларнинг қобилиятини ривожлантириш ҳамда янги билимлар бериш орқали ўз устида мустақил ишлаш ва креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришдан иборатдир.

Педагогнинг касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ. Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижодий фаолият



кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Креатив педагог доимо ижодга интилиши, ҳаётга ижодий ёндошиши, ўзига танқидий назар солиши ва ўзини доимий таҳлил қилиши лозим.

Креатив ўқитувчи фикрларидаги сезгиларидаги, мулоқатидаги алоҳида фаолият туридаги ижодий ёндошиш билиш даражаси деб таърифлаш мумкин. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади.

Педагогик креативлик (ижодкорлик) - педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

Ўқитувчининг креативлиги унинг маҳоратига боғлиқ. Шу сабабли ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши маҳоратини ошириб бориши лозим. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мақсади ҳам — ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳорати доимий равишда ўсиб боришини, уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек, ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам равишда янгиланиб борилишини таъминлаш ҳамда уларни давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва соҳага оид қонунчилик билан мунтазам таништириб боришдан иборат.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабаларнинг йилларида пойдевор қўйиладиган ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор янгилик ва ўзгаришлар таълим тизимига кириб келишига қарамасдан педагогик креативлик сифатларни қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзларида ўзлаштириш олишмаяпдилар. Бунда, педагогларимиз кўпроқ танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш, фикрлашини ошириш муаммоли масалаларини ечиш



муаммоли вазиятларни, таҳлил қилиш, шунингдек ижодий маҳсулотларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш мураккаб жараён саналади. Машғулотлар жараёнида ўқитувчилар таълим олувчиларни аста-секин масъулиятдан озод қилиш орқали мустақил таълим олишга рағбат билдирадиган шахс бўлишларига эриша олишлари лозим. Педагогнинг креативлиги ривожлантиришда унинг маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга ижодий ёндашиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагоглар ўзларида креативлик қобилиятини ривожлантириш йўлида тизимли, изчил амалий ҳаракатларни ташкил этишлари зарур. Машғулотларда интерфаол метод (стратегия, графикр органайзер)лар билан ишлаш таълим олувчилар томонидан ўқув ахборотларини тизимли, яхлит ҳолда ўзлаштириш имкониятини яратади. Қолаверса, интерфаол методлар ёрдамида талабалар ўқув ахборотлари билан ишлашда билимларни таҳлил қилиш, синтезлаш, муҳим тушунчаларни тизимлаштириш, объект, жараён, фаолият, воқеа, ҳодисаларнинг умумий моҳиятини аниқ ифодалаш каби кўникма, малакаларни ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда ходимларнинг доимий касбий ривожланиши учун кенг имкониятлар тақдим этадиган таълим муҳитини яратиш;

мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдириш ва ходимларнинг қобилиятини ривожлантириш ҳамда янги билимлар бериш орқали ўз устида мустақил ишлаш ва креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;

ходимларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси асосида компетентлик даражасини ошириш ва касбий маҳоратини такомиллаштириш;

илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдир

#### Адабиётлар.

1. .Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 36-40-б.